2011 йил 17 март, пайшанба

# Тошкент оқшоми

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ | № 54 (11.865) | Баҳоси эркин нархда

## XXI аср садоси

**БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГГИ ХАБАРЛАР**

### МАМЛАКАТИМИЗДА

**• Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлаш юзасидан ташкил этилган Ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича меъёрий ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш комиссиясининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 14 январдаги Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясининг ахборот соҳасини ислоҳ қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирларга оид фармойишида белгиланган вазифаларнинг ижроси билан боғлиқ масалалар атрофлича муҳокама қилинди.**

**• Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг жадал суръатлар билан ривожланаётгани туфайли ушбу соҳанинг республикамиз ялпи ички маҳсулотидаги улуши тобора ортиб бораётир. Хусусан, ўтган йилда ялпи ички маҳсулотнинг 52,5 фоизи мазкур соҳа вакиллари ҳиссасига тўғри келган бўлса, жорий йилда бу кўрсаткични 54 фоизга етказиш режалаштирилган.**

**• Давлат мулки қўмитасида мамлакатимизга ташриф буюрган Жанубий Корея фонд биржаси (KRX) вице-президенти Хванг Жунгхо раҳбарлигидаги делегация билан учрашув бўлди. KRX қимматли қоғозлар билан муомала қилиш бўйича дунёдаги пешқадам ташкилот бўлиб, савдо айланмаси бўйича энг йирик ўнта фонд биржасининг биридир. Қимматли қоғозлар савдоси соҳасида KRX томонидан яратилган ахборот технологияси энг рақобатбардош ҳисобланади, у Осиё қитъаси биржаларида самарали қўлланилмоқда.**

### ЖАҲОНДА

**• Япония ҳарбий ҳаво кучларига тегишли вертолётлар «Фукусима-1» атом электр станцияси учинчи реакторини совутиш учун сув тўкиш ишларини бошлашди. Ҳозирча юқоридан тўрт марта реакторга сув ташланди. Бироқ экспертларнинг фикрига кўра, самарага эришиш учун камида юз марта сув тўкилиши керак. Таъкидлаш жоизки радиация даражасининг юқорилиги боис вертолётлар парвозлари 40 дақиқадан ошмаяпти.**

**• Кеча АҚШнинг Юта штатида эндигина юқорига парвоз қилаётган икки моторли енгил самолётнинг қулаб тушиши натижасида 5 киши ҳалок бўлди, битта одам эса яраланди.**

**• Кеча Греция қирғоқларида Рихтер шкаласи бўйича 4,6 балли зилзила содир бўлди. Ер қимирлаши натижасида вайронагарчиликлар рўй бермади.**

**• Хитойнинг Сянган шаҳрида «Asian Airspace — 2011» халқаро авиация кўргазмаси очилди. Унда дунёнинг 32 мамлакатидан «Boing», «Erbas», «Bombardye» каби уч юзга яқин йирик компания ўз маҳсулотлари ва хизматларини намойиш этмоқда. Кўргазмада Чин юртида биринчи марта ишлаб чиқарилган С-919 йўловчи ташиш самолёти барчада катта қизиқиш уйғотмоқда. Ушбу транспорт воситасини 2014 йили кенг ишлаб чиқариш йўлга қўйилиши режалаштирилган. Кўргазма доирасида соҳа муаммолари ва истиқболларига бағишланган конференция ва симпозиумлар ўтказилиши мўлжалланмоқда.**

**• АҚШнинг Нью-Жерси шаҳрида содир бўлган кучли сув тошқини оқибатида икки мингга яқин турар-жой сув остида қолди, деб хабар беради RATA-TASS. Аҳоли хавфсиз жойларга кўчирилмоқда. Хабарларга қараганда, шаҳардаги Пассаик дарёси суви ўз сатҳидан 1,5 метргача кўтарилган. Мутахассисларнинг маълумотларига кўра, сув тошқини яна бир неча кун давом этади.**

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Иқтисодиёт

## ИЗЛАНИШЛАР ДАВОМ ЭТМОҚДА

**«Potolok-stoy-servis» хусусий корхонаси шаҳримиздаги илғор корхоналар сирасига киради. Малакали ишчи-хизматчилар саъй-ҳаракати билан бугунги кунда 22 турдаги сифатли замонавий бунёдкорлик маҳсулотлари — гипсдан шифтларда безак сифатида қўлланиладиган плиталар ишлаб чиқарилмоқда.**

— Президентимизнинг «Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили Давлат дастури тўғрисида»ги Қарори фаолиятимизда дастуруламал бўлади, — дейди хусусий корхона раҳбари Шавкат Исманов. — Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, жадал ривожлантириш, иқтисодиётимиз равнақида ушбу соҳанинг улушини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётган экан, биз каби ишбилармонлар билдирилган ишончни оқлашга астойдил киришганмиз.

Корхонамизга маҳаллий хом ашё Самарқанд вилоятидан келтирилади — гипс қуруқ аралашмалари маҳаллийлаштириш жараёни изчил давом эттирилишида муҳим омил ҳисобланади. Хусусий корхонада тайёрланаётган кўплаб турдаги қурилиш материаллари импорт ўрнини босиши, четдан келтириладиган худди шундай товарлардан таннархи бирмунча арзонлиги билан афзалдир. Асосийси, маҳсулот экологик тоза, яъни соғлиқ учун безарар эканлиги боис, қурилишда, соғлиқни сақлаш муассасаларида, хусусий турар жойларда қўлланилади.

Евростандартга мос ва бунёдкорликда харидоргир ҳисобланган плиталар мижоз талаб-эҳтиёжи асосида 600х600 мм. ҳамда 610х610 ммли ҳажмларда ишлаб чиқарилмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, корхонада тайёрланаётган плиталар чидамли бўлиши билан бирга, қисмларга ажратилиши орқали ҳам мижозларни жалб этмоқда. Йилдан йилга маҳсулот дизайни мукаммаллаштирилиб, турлари ортиб бормоқда. Шунингдек, корхонада этикеткалар учун сифатли елим ишлаб чиқарилади. Бугун мамлакатимизнинг қайси ҳудудига борманг, улкан қурилиш ва реконструкция ишлари қизғин кечаётганининг гувоҳи бўласиз. Айниқса, шаҳар ва қишлоқларга кўрк бағишлаётган муҳташам иншоотлар, равон йўллар, мустаҳкам кўприклар турмушимиз тобора фаровонлашиб бораётганидан ёрқин далолат беради. Шу боис ҳам «Potolok-stroy-servis» хусусий корхонаси маҳсулотларига ҳам талаб ортиб бормоқда.

Корхона нуфузини ошириш йўлида ишчи-хизматчилар бор маҳоратларини ишга солишмоқда. Ички бозорни чуқур ўрганиш асосида маҳсулот турларини кўпайтиришга катта эътибор қаратилмоқда. Айни кунларда корхонада бир нечта янги намунадаги қурилиш материаллари устида изланишлар қизғин давом этмоқда. Асосий мақсад, ички бозорни импорт ўрнини босадиган маҳсулотлар билан тўлдиришда муҳим ҳисса қўшиш билан бирга, экспортни йўлга қўйишдир.

**Муҳаббат ҲАБИБУЛЛАЕВА**
**Ҳакимжон Солиҳов олган сурат**

Дунё нигоҳи

## «ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ҲАВАСИМ КЕЛДИ»



**Наврўз нафаси сезилиб турган айни кунларда диёримизда кўплаб сайёҳларни учратиш мумкин. ЎзА мухбири улардан айримларининг таассуротлари билан қизиқди.**

**Бхадра ГОТРО (Бангладеш):**
– Мен Бангладешнинг "Global Cotton" компанияси вакилиман. Компаниямиз пахта экспорт-импорти билан шуғулланади. Биз Ўзбекистондан ўн йилдан бери пахта сотиб оламиз. Шу боис хизмат сафари юзасидан мамлакатингизга кўп келаман.

Бангладешда ҳам пахта етиштирилади. Пахтани қайта ишлаш заводларимиз кўп. Табиийки, пахта толасининг сифатига катта аҳамият берамиз. Шунинг учун Бангладешда аъло сифатли ўзбек пахтасига талаб ғоят юқори. Ўзбекистонда барча соҳалар қатори мазкур тармоқ ҳам жадал ривожланаётгани таҳсинга сазовор.

Ўзбекистоннинг истиқболда янада юксалишига ишончим комил.

**Селио РАМОС (Испания):**
– Тошкентга биринчи бор келишим. Ташрифим Наврўз байрамига тўғри келганидан жуда хурсандман. Байрам тантаналарини томоша қилиб, Наврўз неъматларидан татиб кўрмоқчиман. Шундай гўзал диёрда яшаётган халқингизга ҳавасим келди.

Одамларнинг меҳмондўстлиги, бағрикенг ва меҳр-оқибатлилиги мени ҳайратга солди. Мамлакатингиз дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторидан жой олишига ишонаман.

**Жамш ЗАРИ (Малайзия):**
– "Tourism Malaysia" сайёҳлик компаниясида ишлайман. Юртингизга хизмат сафари билан келдим. Ташкилотимиз мамлакатингизда ҳар йили ўтказиладиган сайёҳлик ярмаркаларида мунтазам иштирок этиб келади. Сайёҳлик соҳасида Ўзбекистон компаниялари билан ҳамкорликни янада ривожлантириш истагидамиз.

Ўзбекистон – сайёҳлик борасида улкан салоҳиятга эга мамлакат. Ташрифим давомида юртингизда халқаро туризмни ривожлантириш, хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасини янада юксалтириш борасида кенг кўламли, самарали ислоҳотлар амалга оширилаётганига гувоҳ бўлдим. Сайёҳлар учун барча зарур шароит ва имкониятлар муҳайё. Тарихий обидаларга саёҳат, миллий ҳунармандчилик ва халқ амалий санъати буюмлари намуналари билан таништириш ишлари ҳам халқаро мезонлар даражасида амалга оширилаётир.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини Наврўз айёми билан чин юракдан қутлайман.

**Бастийен ФУРЬЕ (Франция):**
– Бир неча йил муқаддам Ўзбекистонга янги йил арафасида келган эдим. Бу ташрифим ҳам байрам арафасига тўғри келганидан жуда хурсандман. Халқингиз Наврўз айёмини кенг нишонлашини биламан. Байрам кунлари дастурхонга кўклам таоми – сумалак тортилиши ҳам менга маълум. Ушбу лаззатли таомни татиб кўришни жуда-жуда хоҳлардим.

Ўзбекистон, хусусан, Тошкент янада чирой очиб кетганини кўриб қувондим.

**Ирода УМАРОВА ёзиб олди.**

**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.**

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида

## ДЕМОКРАТИК ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ЭТИЛДИ

Депутатлар «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини кўриб чиқдилар. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Олий Мажлис палаталарининг 2010 йил ноябрь ойидаги қўшма мажлисида илгари сурган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ парламент муҳокамасига киритилди.

Ҳужжат Бош вазирни, мамлакатимиз бошқа ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимидан озод этиш тартибини, шунингдек мамлакатимизнинг Олий Мажлис палаталари фаолияти регламентини белгиловчи бир қатор қонун ҳужжатларини Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан илгари қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида (78, 80, 93, 96 ва 98-моддаларига)»ги Қонунга мувофиқлаштиришга қаратилган.

*(Давоми 2-бетда)*

## БАРҚАРОР ТАРАҚҚИЁТ СТРАТЕГИЯСИ

**Юртимиз ёшларининг «Концепцияни ўрганиш ойлиги» давом этмоқда.**

Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида мазкур лойиҳада белгиланган вазифаларга бағишланган республика илмий-амалий анжумани бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши ҳамкорлигида ташкил этилди. Унда сенаторлар ва депутатлар, тегишли вазирлик ва идоралар вакиллари, олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, ёш тадқиқотчилар ва талабалар иштирок этди.

Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раиси С.Ортиқова, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари И.Саифназаров, Ўзбекистон Миллий университети ректори F.Муҳамедов, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати марказий кенгаши раиси Б.Fаниев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримовнинг Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги «Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси» маърузаси юртимиздаги демократик янгиланишлар жараёнида янги даврни бошлаб берганини таъкидлади. Концепция мамлакатимиз ва хориждаги таниқли олим ва экспертлар томонидан юксак баҳоланмоқда. Ўтган қисқа вақтда ўттиздан зиёд мамлакатда Концепцияни ўрганишга бағишлаб турли анжуманлар ташкил этилди.

Концепция мазмун-моҳияти ва аҳамиятини ҳар бир юртдошимиз қалби ва онгига етказиш, айниқса, ёш авлод тафаккурида бугунги ва эртанги кунга дахлдорлик ҳиссини шакллантириш долзарб вазифалардан.

Анжуманда Концепциянинг мазмун-моҳияти ва халқимизнинг эртанги тараққиётидаги ўрни, янги тараққиёт босқичининг конституциявий асослари, юртимизда парламент тизимини такомиллаштириш, давлат ҳокимияти ва бошқарувини демократлаштиришда сиёсий партияларнинг ўрни каби мавзуларда маърузалар тингланди ва муҳокама этилди.

Тадбир доирасида Концепцияни ўрганишга бағишланган материаллар илмий тўпламининг тақдимоти ўтказилди. Ушбу тўпламдан профессор-ўқитувчилар, олимлар, ёш тадқиқотчилар, магистр ва талабаларнинг бир юз йигирмага яқин мақоласи жой олган. Ёш тадқиқотчи ва талабалар Концепция юзасидан ўтказилаётган тарғибот-ташвиқот ишларида ҳам фаол иштирок этаётир.

Беҳзод Султонов мазкур университетнинг фалсафа факультетида сиёсатшунослик йўналиши бўйича таҳсил олади. Унинг Концепция юзасидан тайёрлаган «Оилавий бизнес – бозор иқтисодиётининг муҳим омили» мақоласи ушбу тўпламдан ўрин олган.

– Президентимиз томонидан илгари сурилган Концепция мазмун-моҳияти ва аҳамиятини чуқур ўрганишга ҳаракат қиляпмиз, – дейди Б.Султонов. – Унда ўз ифодасини топган ғояларнинг амалга ошиши мустақиллигимизни янада мустаҳкамлашга, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. Бундай хайрли ишларга ҳисса қўшиш ҳар биримизнинг кундалик фаолиятимизда ўз ифодасини топмоғи лозим.

**Баҳор ХИДИРОВА, ЎзА мухбири**

## ҚИСҚА САТРЛАРДА

*Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.*

✓ **БУГУН** Республика болалар кутубхонасида «Хуш келибсан, фасли навбаҳор» мавзуида бадиий кеча бўлиб ўтди.

✓ **ЭРТАГА** Мудофаага Кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг республика ва шаҳар Кенгашлари ҳамкорлигида умрбоқий байрамга бағишланган «Ассалом, Наврўз» деб номланган мусиқали тадбир ташкил этилади.

✓ **ЭРТАГА** Чилонзор тумани ФҲДЁ бўлими қошида ташкил этилган ёш оила қурувчилар мактабининг навбатдаги машғулоти бўлиб ўтади.

✓ **БУГУН** Мирзо Улуғбек туманидаги «Умид» болалар спорт мажмуасида «Тошкент қалдирғочлари» шиори остида қизлар гимнастрадаси мусобақасининг шаҳар босқичи ўтказилди.

